



АҲМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ
АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ
Ахборот-библиография бўлими

2018 ЙИЛ
1 ЧОРАК УЧУН
ЯНГИ НАШРЛАР
БЮЛЛЕТЕНИ

Фарғона – 2018

ФИЗИКА

1. 22.6 Н62

Нима учун шунақа?: Қизиқарли энциклопедия / тузувчи. Р. Бойтўра. – Toshkent: Sharq, 2016. – 208 б. 5000 нусха.

Мазкур энциклопедия коинот, инсонлар, набобот ва ҳайвонот олами, дунё халқлари ва шаҳарлари, сирли табиат ҳодисалари ҳақида олам-олам билим ва тушунча беради. Галактикалар қандай пайдо бўлади? Юлдузлар нега сўнади? Нега осмон кўк рангда? Зилзила қандай рўй беради? Бу каби кўплаб саволларга мазкур энциклопедиядан жавоб топасиз.

БИОЛОГИЯ

2. 28я72 М13

Mavlonov, O. Biologiya: Repetitor kitobi / O. Mavlonov; O`. P. Pratorov. – Toshkent: O'qituvchi, 2016. – 592 b. 5000 нусха.

Ўқув қўлланма умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар ўқув дастурига киритилган мавзуларни қамраб олган. Уни ёзишда ҳозир амалда бўлган ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, биология дарсликлари ва илмий-оммабоп манбаларда келтирилган маълумотлардан фойдаланилди. Қўлланмага киритилган барча мавзуларга мустақил ўқиш ва ўз-ўзини баҳолаш учун жавобли тест топшириқларининг бир неча вариантлари илова қилинган.

3. 28.6 А40

Akbarov, B. Bahaybat kaltakesaklar / B. Akbarov; B. Zufarov. – Toshkent: O'zbekiston, 2016. – 40 b. 10000 нусха.

Сиз мультфильмларда динозаврларни жуда кўп бора кўргансиз, ҳикояларда ўқигансиз. Уларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб, ҳайратлангансиз. Шу туфайли ҳам бу улкан жонзотларга қизиқишингиз ортанлиги табиий. Ушбу китобда эраимиздан бир неча миллион йиллар илгари яшаган баҳайбат калтакесаклар - динозаврлар ҳақида ҳикоя қилинади. Китобни ўқир экансиз, динозаврларнинг турлари, тузилиши, уларнинг ҳаёт тарзи, нима билан озиқланганини билиб оласиз.

ТЕХНИКА

4. 39.8 К25

Karimova, Q. Tasvirli yo`l harakati qoidalari: O`quv qo`llanma / Q. Karimova; Z. Saydaliyev. – Toshkent: Avtohamroh, 2016. – 64 b.

Мазкур қўлланма йўл ҳаракати қоидаларини чуқурроқ ўрганиш, транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўллардаги ноҳушликларни бартараф этишда ҳайдовчиларга тўғри йўл кўрсатиш мақсадида яратилган бўлиб, йўл ҳаракати катнашчиларининг хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

ТАРИХ

5. 63.3 Ю20

100 кашфиётчи / тузувчи. З. Ускинова. Тузувчи. Г. Матисаев. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2016. – 288 б. 5000 нусха.

Ушбу китобда 18 - 20 асрлардаги бутун дунёда буюк кашфиётчиларининг ихтиролари, ҳаёти фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

6. 63.3 Ю20

100 машхур олим / тузувчи. З. Ўскинова, тузувчи. Г. Матисаев. Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2016. – 288 б. 5000 нусха.

Ушбу китобда буюк аждодларимиз, мутафаккир олимларимиздан Мирзо Улуғбек, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мусо ал-Хоразмий, Фаробий, Аристотель, Гегель, Конфуций, Лао Цзи, Платон, Сукрот, Эйнштейн, Ломоносов, Коперник, Пифагор, Циолковский, Капица ва хаказолар хақида билиб оласиз.

7. **63.3(50`)**ya72
Sh22

Shamsutdinov, Rustambek Vatan tarixi / Rustambek Shamsutdinov **Кн.1** / Sh. Karimov, S. Xoshimov. – қайта ишланган 3-чи нушри. – Тошкент: Sharq, 2016. – 536 б. – Библиогр. 2000 нусха.

Мазкур қўлланмада ўзбек халқи тарихининг энг қадимги даврларидан то 16 асргача бўлган даври тарихи ўз ифодасини топган.

8. **63.3(50`)**я73
Sh22

Shamsutdinov, Rustambek Vatan tarixi / Rustambek Shamsutdinov **O'zbekiston sovet mustamlakachilik** davrida / Sh. Karimov. – қайта ишланган 2-чи нашри Тошкент 2016. – 464 б. – Библиогр. 2000 нусха.

Ушбу китобда ўзбек ва жахон тарихшунослигининг hozirgi bosqichdagi yutuqlariga hamda milliy istiqloq ma'qurasini qo'yalariga asoslangan holda Ўзбекистоннинг 1917-йил феврал инқилобидан то 1991-йил 31-августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришган даврига қадар содир бўлган муҳим тарихий воқеалари ёритилган.

9. **63.3(50`)**ya72
Sh22

Vatan tarixi. Кн.2: 16 - 20 asr boshlari / R. Shamsutdinov, Sh. Karimov, S. Xoshimov. – Тошкент Sharq, 2016. – 328 б. – 2000 нусха.

Китобда Шайбонийлар, Аштархонийлар, Ўзбек хонликлари, Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинishi, ўлкадаги мустамлака хукмронлиги, мустақилликка қарши кураш, демократик ва миллий-озодлик, жадидчилик ҳаракатлари турли манбалар асосида акс эттирилган.

10. **63.3(5У)**
A49

Али, М. Амир Темур қалбида чақнаган нур / М. Али, Т. Хайит. – Toshkent: O'qituvchi, 2016. – 264 б. – Библиогр.

Мазкур китоб диалог, яъни дилкаш суҳбат тарзида ёзилган, бошқача айтганда, уни кўнгилдаги гаплар дейиш мумкин. Муаллифлар ҳеч ким билан бахslashмайдилар, тортишмайдилар, Соҳибқирон Амир Темур шахси, фаолияти, тарихимиз, мустақиллигимиз, адабиёт, хилма-хил тақдирлар, одамлар хақида ўз фикрларини билдириб ўртоқлашдилар, ўқувчини беихтиёр суҳбатга чорлайдилар.

11. **63.3(5У)4**
Б91

Брион, М. Менқим, Соҳибқирон - жахонгир Темур / М. Брион. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 576 б. 10000 нусха.

Француз темуршунослари ёзган асарлар жавонида профессор Марсель Брионнинг китоблари алоҳида ўрин тутди. Мазкур китоб Соҳибқироннинг дунёга келишидан то вафотига қадар бўлган даврни қамраб олиб, воқеалар Амир Темур номидан хикоя қилинади.

12. **63.3(5У)**
Г95

Гулбаданбегим З. Б. Хумоюннома / З. Б. Гулбаданбегим. – Тошкент: O`zbekiston, 2016. -120 б. 3000 нусха.

Хумоюннома асари Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегим томонидан ёзилган. Гулбаданбегим бу китобни ўзининг шахсий кузатувлари асосида ёзиб қолдирган. Асар кенг оммавий китобхонларга мўжалланган.

13. **63.3(5У)**

Д15

Дадабоев, Х. Аждодларимизнинг харбий махорати / Х. Дадабоев. – Toshkent Akademnashr, 2016. – 176 б. 1000 нусха.

Биз буюк салтанатлар барпо этган, харбий сохани санъат даражасига кўтарган, эл-юрт шон-шарафи йўлида хар қандай машаққатларга бардош бериб, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб келган боболарнинг авлодимиз. Шу боис у Ватан, миллат ва тақдирга бефарқ бўлмаган китобхонларни эътиборсиз қолдирмайди.

14. **63.3(5У)4**
К38

Керен, Л. Амир Темур ва Франция = Amir Temur et la France / Л. Керен, А. Саидов. – қайта ишланган 2-чи нашр. – Тошкент: Адолат, 2016. – 560 б. 2000 нусха.

Таниқли француз олими Люсьен Керен ва Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос Акмал Саидов ҳаммуаллифликда Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихининг француз шарқшунослик мактаби томонидан ўрганилишига бағишлаб ёзган мазкур китобнинг биринчи нашри чиққанига йигирма йил бўлди. А. Саидов ва Л. Кереннинг "Амир Темур ва Франция" китоби Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда буюк давлат арбоби, музаффар саркарда, мохир дипломат ва бунёдкор зот, фан ва маданият хомийси Сохибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллик тўйига тухфадир.

15. **63.3(5У)**
С33

Сатторий, Хаким

Сохибқирон абадияти / Хаким Сатторий – қайта ишланган 2-чи нашр. Тошкент Sharq, 2016. – 464 б. 5000 нусха.

Хаким Сатторий турли манбаларни жиддий ўрганиб, узоқ йиллар давомидаги изланишлари адо этишга муяссар бўлди. Асарларнинг қўлёзмалари мутахассислар ва илмий ҳамда бадий жамоатчиликнинг вакиллари томонидан ўрганилиб, сўнг нашрга тавсия этилди.

16. **63.3(5У)**
С33

Сатторий, Хаким Хазрат Сохибқирон / Хаким Сатторий – қайта ишланган 2-чи нашри. – Тошкент: Sharq, 2016. – 512 б. 5000 нусха.

Ушбу китобда халқимизнинг тарихининг қарийб олти асрига дахлдор далиллар, маълумотлар юзасидан фикр юритилади. Улар содда тилда, тушунарли оммабоп услубда хикоя қилингани билан кенг китобхонлар аудиториясига мўлжалланган.

17. **63.3(5У)4**
С75

Содиқов, Х. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати : тарихий бадиалар / Х. Содиқов. – Тошкент: Art flex, 2016. – 576 б. 10000 нусха.

Ушбу китоб Сохибқирон Амир Темур шахсининг янги бир қиррасини очади. Унинг давлат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омил - разведка ва контрразведка соҳасида олиб борган ўзига хос ва айни дамда одилонга сиёсати, жанговор фаолияти асарда аниқ ва равшан ёритиб берилади.

18. **63.3(5У)4**
С75

Содиқов Х. Амир Темур ҳаётидаги ғаройиботлар : тарихий бадиалар / Х. Содиқов. – Тошкент: Чўлпон, 2016. – 384 б. 3000 нусха.

Ушбу тарихий бадиалардан иборат китоб Сохибқирон ҳаётидаги ғаройиб воқеалар, унинг тақдири ва ҳаётига оид илохий ходисалар донишманд ва кароматли устоз-пирлар ҳақидадир.

19. **63.3(0)я2**
Т24

Тарих: истилолар ва қўзғолонлар : маълумотнома / тузувчи. Х. Абдиев, тузувчи. Ж. Кунишев. – Toshkent: O'zbekiston, 2016. – 256 б. 3000 нусха.

Ушбу маълумотномада инсоният тарихида бўлиб ўтган истилолар ва қўғолонлар, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари, ана шу урушлар тўғрисида одамзот бошига тушган мислсиз кулфатлар ҳақида сўз юритилади.

20. **63.5(5У)**
Х67

Хосил, Усмон (Қорабоев) Одатнома / Усмон (Қорабоев) Хосил Ўзбек халқ одатлари: Тадрижи ва турлари / М. Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 360 б. 3000 нусха.

Китобда минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқи одатлари эволюцияси, хусусан, уларнинг энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган тараққиёт босқичлари, халқимизнинг энг муҳим анъаналари, уларнинг шурулар тузумидаги аҳоли ва ниҳоят, мустақиллик давридаги тикланиши, равнақи, халқаро аҳамияти ҳамда истиқболи ҳақида сўз юритилган.

21. **63.3(0)я73**
Э74

Эргашев, Ш. Жаҳон тарихи : ўқув қўлланма / Шухрат Эргашев. **Янги давр 16 - 18** асрлар 2- чи нашри. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 528 б. – 3000 нусха.

Ўқув қўлланмада жаҳон тарихининг янги даврини ҳозирги замон цивилизациясининг шаклланиш тарихи сифатида ёритишга ҳаракат қилинган. Ушбу ўқув қўлланма Олий ўқув юртларида "Тарих ўқитиш методикаси" таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

22. **63.3(5)**
Э74

Эргашев, Ш. Қадимги цивилизациялар / Ш. Эргашев. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 360 б. – 3000 нусха.

Замонавий цивилизациянинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган Месопотамия, Қадимги Миср, Қадимги Яхудий, Қадимги Эрон, Қадимги Греция ва Рим ҳамда Қадимги Турк цивилизациялари ушбу китобдан ўрин олган.

23. **63.5(У5)**
И35

Икки кунгил бир бўлсин : Ёр-ёрлар / тузувчи. М. Жўраев, тузувчи. Л. Худойқулова. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 264 б. 1000 нусха.

Ўзбек никоҳ тўйи маросим фольклорининг қадимий жанрларидан бири ҳисобланган ёр-ёрлар ўзига хос ижро усули, вазн ва қофия тузилиши, бадиий жихатдан баркамоллиги, жозибдорлиги ва маънавий қадриятларимизнинг ажралмас қисмига айланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. мазкур тўпلام халқимиз орасида қадимдан қўйланиб келинган анъанавий тўй маросим қўшиғи ҳисобланган ёр-ёрлардан тузилган.

24. **63.3(0)**
Р17

Ражабов, К. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) : учта китоб / Қахрамон Ражабов. Энг қадимги даврлардан 1795 йилгача / Б. Қандов. Р. Абдуллаев. – қайта ишланган 2-чи нашри. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 288 б. 3000 нусха.

Мазкур китобда жаҳон тарихидаги давлатлар, сулола ва подшоликларнинг қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан бугунги кунгача бўлган хронологияси билан биргаликда ихчам тарзда баён қилинган. Унда жаҳон тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

25. **63.3(0)**
Р17

Ражабов, Қ. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) : Учта китоб / Қахрамон Ражабов. 1795-1960 йиллар / Б. Қандов; муҳаррир. Р. Абдуллаев. – қайта ишланган ва тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 288 б. 3000 нусха.

Мазкур китобда жохон тарихидаги давлатлар, сулола ва подшоликларнинг қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари 1795-1960 йилларгача бўлган хронологияси билан биргаликда ихчам тарзда баён қилинган. Унда жохон тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

26. **63.3(0)**
P17

Ражабов, Қ. Жохон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) : Учта китоб / Қахрамон Ражабов 1961-2015 йиллар / Б. Кандов; муҳаррир. Р. Абдуллаев. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 304 б. 3000 нусха.

Мазкур китобда жохон тарихидаги давлатлар, сулола ва подшоликларнинг қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари 1795-1960 йилларгача бўлган хронологияси билан биргаликда ихчам тарзда баён қилинган. Унда жохон тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Шунингдек, бу китоб охирида махсус келтирилган илова мавжуд бўлиб, ундан жохон мамлакатларининг бугунги ҳолати ва халқаро ташкилотлар фаолияти ёритилган 26 та жадвал ўрин олган.

27. **63.3(5У)**
C33

Сатимов, Г. Бобурийзодалар : тарихий-маърифий рисола / Г. Сатимов. – Тошкент: Sharq, 2016. – 144 б. 2000 нусха.

Ушбу рисола Шарқ халқлари, хусусан, Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Хиндистон каби мамлакатлар тарихи саҳифаларида ҳам муҳрланган буюк бобокалонимиз Захириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳақида маълумот берувчи тарихий-маърифий асардир.

28. **63.3(5)**
O-50

Олмстед, А. Форс империяси тарихи / А. Олмстед; Д. Саъдуллаев. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 120 б. 3000 нусха.

Альберт Олмстед ўз ҳаётини қадим Яқин Шарқни ўрганишга бағишлаб, форсларнинг ҳаёти, даврлари ва тафаккури туғрисида аввал маълум бўлмаган материалларни яхлит ҳолда китоб шаклида баён қилди. Айнан Форс давлати икки аср мобайнида – Кир хукмронлигининг Грецияга кенгайишидан то подшолик пойтахти бўлган Персеполга Александр томонидан ўт қуйилгунча тарихнинг директори қандай бўлиши кераклигини белгилаб берди. Муаллиф ушбу китобида қадимги халқларда фан, адабиёт, тил ва афсоналар қандай қилиб қўллаб маданиятларнинг аралашувидан пайдо бўлганлиги ва келгуси тараққиёт шаклланишига таъсир кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

ИКТИСОД

29. **65.290(5У)**
И81

Исмоилов, Б. Корхона қурамыз / Б. Исмоилов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 128 б. 5000 экз.

Тадбиркорликка Кенг йул берилган бугунги кунда ёшлар ҳам фирма ва ташкилотлар очиб, ўз фаолиятларини йўлга қўймоқдалар. Бу соҳада эътибор қаратилиши зарур бўлган нозик ва жиддий масалалар борки, тадбиркорликнинг гуллаб-яшнаши айнан шуларга боғлиқ. Фирма ёки ташкилот очиб мустақил иш бошлаган ҳар бир тадбиркор вақт, лойиҳа, корхона бошқаруви бўйича маълум билимларга эга бўлса, келажакда порлоқдир. Муаллиф машҳур бизнесменларнинг ҳаётий тажрибаларини ўрганиб, ўз фикрларини ҳам уйғунлаштириб бугунги замон кишиси, яъни бизнесмен ёки тадбиркор учун ўзига хос ва мос қўлланма яратди.

СИЁСАТ

30. **66.61(2P)**
Б95

Бунич, И. Партиянинг олтинлари / И. Бунич; муҳаррир. Р. Қўчқоров. – Тошкент: Маънавият, 2016. – 384 б. 5000 нусха.

Қўлингиздаги китоб яқин ўтмишдан, айтиш мумкинки, тарихнинг энг кир, қора кунлари бўлмиш кейинги шўро замонларидан ҳикоя қилади. Унда бийрон тилларида ҳалқ ғамини еган, унинг манфаатлари ҳимоячиси бўлган, амалда эса айни ҳалқнинг сўнги бурда нонигача сурбетларча тортиб олиб ўзлаштирган коммунистик фирка доҳийларининг мисли кўрилмаган кирдикорлари тарихий далиллар билан очиб ташланади. Бу китобни ўқиб, дунё ишларига теранрок назар ташлашга, ғоя билан амални фарқлашга, кимнинг ким эканини билишга ўзимизда рағбат сезамиз.

31. **66.3(5У)****М54**

Мирзиёев, Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя: Маъруза / Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б. 20000 нусха.

Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 14 январь.

ХУКУК32. **67.404(5У)****О-86**

Отахонов, Ф. Шартномалар, даъво аризалари ва ҳакамлик судлари: Амалий қўлланма / Ф. Отахонов. – Тошкент: Адолат, 2016. – 440 б. 1000 нусха.

Ушбу амалий қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимлар, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар ҳамда мажбуриятларнинг айрим турларини тартибга солувчи нормалари асосида тайёрланган шартномалар, даъво аризалари ва ҳакамлик судларига мурожаат қилиш бўйича ҳужжатлар намуналари ҳамда ҳакамлик судлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ва локал ҳужжатлар келтирилган. Унда шартномаларни тузиш тартиби, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари, ҳакамлик судларига оид локал ҳужжатлар моҳияти ҳам ёритилган.

33. **67.408(5У)****Р92**

Рустамбоев, М. Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ : Умумий қисм / М. Х. Рустамбоев; муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – қайта ишл. ва тўлд. 2-чи нашр. – Тошкент: Адолат, 2016. – 608 б. 2000 нусха.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар амалдаги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида ёзилган. Унда Жиноят кодексига 2016-йил 1 ноябргача киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва суд амалиёти манбаларидан фойдаланилган. Шарҳларда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида шарҳ тайёрланган бўлиб, Жиноят кодекси нормалари диспозициясининг моҳияти, ҳуқуқ нормасида белгиланган жиноятларнинг субъекти, субъектив томони, объекти, объектив томони белгиларининг асосий жиҳатлари очиб берилган, ҳуқуқ нормаларида ўрнатилган санкцияларнинг мазмуни, уларни қўллаш тартиби кўрсатилган.

34. **67.408(5У)****Р92**

Рустамбоев, М. Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар: Махсус қисм / М. Х. Рустамбоев; муҳаррир. Ш. Т. Икрамов. Қайта. ишл. ва тўлд. 2-чи нашри. – Тошкент: Адолат, 2016. – 960 б. 2000 нусха.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар амалдаги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида ёзилган. Унда Жиноят кодексига 2016 йил 1 ноябргача киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва суд амалиёти манбаларидан фойдаланилган. Шарҳларда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида шарҳ тайёрланган бўлиб, Жиноят кодекси нормалари диспозициясининг моҳияти, ҳуқуқ нормасида белгиланган жиноятларнинг субъекти, субъектив томони, объекти, объектив томони белгиларининг асосий жиҳатлари очиб берилган, ҳуқуқ нормаларида ўрнатилган санкцияларнинг мазмуни, уларни қўллаш тартиби кўрсатилган.

35. 67.4(5У)

УЗ2

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонуни : Расмий нашр / муҳаррир. А. Омонов. – Тошкент: Адолат, 2016. – 80 б. 5000 нусха.

Ушбу Қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

36. 67.404(5У)

УЗ2

Ўзбекистон республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига шарҳ / муҳаррир. А. Усмонов. – Тошкент: Адолат, 2016. – 240 б. 4000 нусха.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда асосий мақсад ўзгартирилганлигига, унда нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахсларнинг ҳам давлат органлари ва муассасаларига мурожаат этишга оид муносабатлари тартибга солинганлигига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, аввалги қонундан фарқли ўларок, мазкур қонуннинг амал қилиш доираси аниқ белгилаб берилди.

МАДАНИЯТ

37. 71.05

О-49

Олим, С. Маънавият ва маърифат хонасини ташкил этиш: Амалий-услубий қўлланма / С. Олим; тузувчи. К. Куронбоев. – Тошкент: Маънавият, 2017. – 72 б. – (Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика маънавият тарғибот маркази). 1300 нусха.

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар, мулкый даҳлдорлигидан қатъий назар, амалда барча ташкилот ва муассасалар, корхона ва жамоаларда изчил олиб борилишини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шунинг учун ҳозирги пайтда турли ташкилот ва корхоналарда махсус Маънавият ва маърифат хонаси ташкил этиш йўлга қўйилган. Ана шу Маънавият ва маърифат хонаси қандай ташкил этилиши керак? Унинг барча учун қулай бўлган умумий андозаси бўлиши керакми-йўқми? Ушбу қўлланмада шу ҳақда сўз боради.

38. 72.3(5У)

Б98

Буюк юрт алломалари / тузувчи. У. Уватов. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 424 б. 3000 нусха.

Мазкур китобдан ўлкамиздан етишиб чиққан, ислом дини, унинг маърифати, маънавияти, қадриятлари такомилда чинакам ҳал қилувчи роль ўйнаган улуғ алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги қизиқарли тадқиқотлар ўрин олган. Ишончли ёзма манбаларга таяниб ёзилган, тарихий фактларга бой, бир-бирини тўлдирувчи, содда тили ва равон услуби билан ажралиб турувчи мақолаларни ўзида мужассам этган бу тўплам китобхонни бефарқ қолдирмайди.

39. 72.3(5У)

Т91

Турсунов, С. Термизийларнинг илмий тафаккури / С. Турсунов, Б. Муртазоев; муҳаррир. Ж. Омонтурдиев. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 280 б. 3000 нусха.

Қўлингиздаги китобда дунёвий илм тафаккури йўлида ўзининг илмий ва диний дунё қараши билан ҳалқимиз орасида катта ҳурмат қозонган аллома Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўли ҳамда ижодий фаолиятига оид манбалар ёритилган. Шунингдек, китобда Термиз шахридан етишиб чиққан улуғ авлиёлардан Абубакир Варроқ ат-Термизий, Ҳомид ат-Термизий, Абулмузаффар ат-Термизий, Саййид Бурҳониддин ат-Термизий, буюк муҳанддис Имом Исо ат-Термизий ва етук муаррих Хожа Самандар Термизий ҳамда Сурхон воҳаси илм мутафаккир устозлари хусусида ҳам сўз юритилган.

40. 74.9я2

Ш80

Шоумаров, Г. Б. Оила энциклопедияси / Г. Б. Шоумаров, З. А. Расулова; муҳаррир. Н. Тухлиев. – Тошкент: "Илм - Зиё - Заковат", 2016. – 416 б. 3000 нусха.

Энциклопедияда оила ва оилавий муносабатларнинг моҳияти, тарихи, эволюцияси, оила институтининг ёш авлодни маънан кучли, ақлан етук ҳамда баркамол қилиб тарбиялашдаги роли ва аҳамияти масалалари ёритилган. Нашр оила қуришга тайёрланаётган ёшлар, ёш оилалар, ушбу муаммо билан қизиқувчилар ва умуман кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ. БАДИЙ АДАБИЁТ

41. **81.2Nem**
N18

Nazarov, S. Nemis tili grammatikasi jadvallarda = Deutsche Grammatik in Tabellen / S. Nazarov; муҳаррир. X. Rahimov. – Toshkent: Akademnashr, 2016. – 176 b. 1500 нусха.

Қўлланмада тил ўрганувчиларга қулайлик яратиш мақсадида немис тили грамматикаси ихчам, тушунарли ва раван тилда жадвал ҳамда схемаларга солинган ҳолда батафсил баён қилинган. Қўлланма ўқувчилар, талабалар ва немис тилига қизиққан кенг омма учун мўлжалланган.

43. **81.2Nem**
R33

Rahmonov, O. Nemischa-o'zbekcha lug'at = Deutsch-usbekisches wörterbuch : 18000 so'z va iboralar / O. Rahmonov, R. Rahmonova; муҳаррир. X. R. Rahimov. – Toshkent: Akademnashr, 2017. – 528 b. 2000 нусха.

Ушбу луғат мактаб ўқувчилари, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари талабалари, магистр, аспирант, таржимон ҳамда барча немис тили фанига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

44. **81.2Узб**
Ш47

Шеров, Р. Ўзбекча – корейсча сўзлашгич / Р. Шеров. – Тошкент: Турон – Иқбол, 2016. – 184 б. 2000 нусха.

Ушбу китоб мустақил ўрганувчилар, университет талабалари, Корея сафарига отланган шахслар, корейс фирмаларида ишламокчи булганлар ва корейс тилида сўзлашишни мукамал ўрганишни хоҳловчиларга мўлжалланган.

45. **81.2Англ**
M96

Murphy, R. English grammar in use: a self-study reference and practice book for intermediate students / R. Murphy. – Tashkent: ART FLEX, 2016. – 336 p. 3000 нусха.

46. **81.2Англ**
M96

Murphy, R. Essential grammar in use: a self-study reference and practice book for intermediate students of English / R. Murphy. – Tashkent: ART FLEX, 2016. – 272 p. 3000 нусха.

47. **81(2P)1**
T64

Толстой, Лев. Анна Каренина : роман / Лев Толстой **Кн.1.** – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 704 б. 5000 нусха.

Адабиётдан паноҳ истаган, адабиётни маънавий камолоти учун зарур деб билган китоб ихлосмандлари эътиборига қарийб қирқ йиллик танаффусдан кейин хавола этилаётган даҳо ижодкорнинг беқиёс асари - "Анна Каренина" Сизга яна янги дунёларни очишга шай.

50. **82.3(5У)**
C84

Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари: 100 жилдлик

Т. 8. Соҳибқирон: дostonлар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёти, 2016. – 512 б. – 1000 экз.

"Соҳибқирон" достони ёш авлодни ҳамиша яхшилик қилиш, кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамлаш ва қалбан покликка интилиб яшашга ундаши орқали уларнинг қалбидаги эзгу ниятларга қанот бахш этади.

51. **82.3(50')**
U89

Uch og'ayni botirlar: O'zbek xalq ertaklari. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. – 304 b.– 5000 nusxa.

Инсонларни мардликка чорловчи, сахий ва бағрикенг бўлишга ундовчи, ҳаётдан яшашдан мақсад одамларга яхшилик қилиш ва улар ўртасига эзгулик уруғларини сочиш, кўйинки, барча инсоний фазилатлар улуғланган халқ эртаклари энди бизнинг фарзандларимиз қалбига ҳам етиб борсин, деган ният билан нашрга тайёрланаётган мазкур китобимиз бизнинг навбатдаги туҳфамиздир.

52. **82.3(5У)**
O86

Оталар сўзи – ақлнинг кўзи: ҳикматли сўзлар / тузувчи. Х. Зарифов, тузувчи. А. Хўжахонов, Аҳмадхон А. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 136 б. – 3000 nusxa.

Ўқувчиларга тақдим этганимиз бу кичкинагина тўпلام халқимиз яратган ҳикматли сўзлар уммонидан бир томчи. Мақолалар халққа ва жаҳон адабиётининг улўғ ёзувчиларига кўп озиқ берган.

53. **83.3(5У)**
K25

Карим, Б. Руҳият алифбоси : Адабий-илмий мақолалар / Б. Карим; У. Норматов. – Тошкент: Фофур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 364 б. 5000 nusxa.

Ушбу китобга адабиётшунос, мунаққид Баҳодир Каримнинг насрий ва шеърый асарлар таҳлили, адабий танқидчилик ва устоз адабиётшунос олимлар ҳамда адабиётшунослик методлари тўғрисида ёзган мақолалари жамланган. Мақолаларда бадиий ижоднинг кўпгина назарий масалалари дунё адабиётшунослиги мезонлари асосида талқин қилинган.

54. **83.3(5У)**
P88

Румий, Ж. Маснавий ҳикояларига шарҳлар / **Ж. Румий.** Найнома. Маснавий ҳикматлари : 40 ҳикояга 40 шарҳ. 2-чи нашри. Тошкент: Навруз, 2016. – 404 б. 1000 nusxa.

Маснавийни шарҳ билан ўқиш ўқувчига янада завқ-шавқ беради, тафаккурини кенгайтиради. румий ижодига, мумтоз адабиётимизга қизиқишини кучайтиради. Мазкур китобни тайёрлашда бирламчи манба сифатида профессор Мехмет Демирчининг Mesnevi hikayelerinden dersler китоби, шунингдек, Маснавийга ёзилган шарҳлар, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр каби мумтоз шоирлар, айрим ўринларда кейинги давр ижодкорларининг асарларидан ва хусусан, бой маънавий меросимиз бўлмиш ўзбек халқ мақолларидан фойдаланилди.

55. **83.3(5Тур)**
Я99

Ягмур, О. Махтумқулинома: Буюк Махтумқули асарлари асосида ёзилган роман – тадқиқот / О. Ягмур; тарж. М. Аҳмад. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 208 б. 3000 nusxa.

Адиб ушбу китобида шоир Махтумқули Фигонийнинг ёшлиги, оилавий шароити, таълим олиши, камолга етиши, биографияси ва саёҳатларига ўша даврлардаги сиёсий-ижтимоий воқеалар нуқтаи назаридан баҳо беришга, замона талатўпларини шоир шеърларининг таҳлилидан келиб чиқиб тасвирлашга интиланган, ўз таҳминларини ўртага ташлаган.

56. **84(4Дан)**
A54

Andersen, H. Ch. The Snow Queen / **H. Ch. Andersen.** The Marsh King's Daughter. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. – 128 p. – (Kamolot's library) 5000 nusxa.

The story is one of Andersen's longest and most highly acclaimed stories. It is regularly included in selected tales and collections of his work and is frequently reprinted in illustrated storybook editions for children.

57. **84(7Мек)**
M27

Markes, G.G Oshkora qotillik qissasi = Ошкора қотиллик қиссаси / G.G Markes. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. – 640 b. 5000 nusxa.

Нобель мукофоти лауреати Габриэль Гарсия Маркес жаҳон адабиёти равнақига "Ёлғизликнинг юз йили", "Мустабид паймонаси", "Улат изғиган кезларда муҳаббат", "Ойқиз, муҳаббат, авлиё, шайтон ва бошқалар" сингари дурдона романлари билан бетакрор ҳисса қўшган сўз санъаткоридир. Адиб айна маҳалда "қисса" ва "ҳикоя" жанри устаси, "Ошкора қотиллик қиссаси" сара асарлардан бири ҳисобланади.

58. **84(5Кир)**
A38

Айтматов, Ч. Эрта қайтган турналар: қиссалар ва ҳикоялар / Ч. Айтматов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 432 б. 5000 нусха.

"Туркий дунё Алишер Навоидан қарийб 500 йил кейин адабиёт чўққисига Чингиз Айтматовни олиб чиқди", – деган фикрни бугун бирон бир адабиёт ихлосманди инкор этмайди. Асарларни дунёнинг 180 тилига таржима қилинган ва турли миллат вакиллари инсонни улуглашга чорловчи қадриятлар атрофида бирлаштирган ёзувчи ижодига китобхон халқи қайта ва қайта мурожаат қилаверади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган навбатдаги китобга биз адибнинг "Биринчи муаллим", "Эрта қайтган турналар", "Юзма-юз", қиссалари ҳамда "Байдамтол соҳилларида", "Оқ ёмғир" ҳикояларини жамладик. Асардаги қаҳрамонлар тақдири бир-биридан чигал, бир-биридан зиддиятли, айна пайтда китобхон уларнинг ҳеч қайсисига бефарқ қаролмайди: худдики, Олтиной ҳам, Дуйшен ҳам, Султонмурот ҳам, Саида ҳам бизнинг ёнимизда яшаётгандек. Жаҳон китобхонларининг эътирофига сазовор бўлган асарлар мутолааси қалбингизда янги дунёларни очишига ишончимиз комил.

59. **84(4Бело)**
A47

Алексиевич, С. Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси / С. Алексиевич, Ф. Мусаева. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 384 б. 2000 нусха.

Белорусь ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Светлана Алексиевич қаламига мансуб ушбу китоб ҳужжатли-очерк жанрида ёзилган бўлиб, унда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган аёлларнинг эраклари билан ёнма-ён туриб кўрсатган жасоратлари, урушнинг дахшатли оқибатлари ҳикоя қилинган.

60. **84(5У)7**
A49

Али У. Миллионерга айланган қоровул: Замонавий ривоятлар ва ҳикоялар / У. Али Ж. Сувонова. – Тошкент: Ijod-Press, 2017. – 276 б. 2000 нусха.

Мазкур китоб укучиларни хайратлантириши, севинтириши, шу билан бирга ҳаётдаги куплаб иктисодий, ижтимоий муаммоларга ечим топишларида асқотади.

61. **84(7)**
A85

Астуриас, М. А. Сеньор Президент: Роман / М. А. Астуриас; таржима. О. Абдуллаев. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 280 б. 3000 нусха.

1946 йилда эълон қилинган Сеньор Президент романи жаҳондаги жуда кўп тилларга таржима қилинган. Унда мустабид тузум ҳукмронлиги ва зўравонликдан азият чеккан бутун бир халқнинг фожиали ҳаёти катта маҳорат билан ёритиб берилган. Ўз ҳукмронлигини фуқароларнинг юрагига ваҳима ва кўрқув солиш орқали ўрнатган зўравон ҳукмдор ҳамда югуртакларнинг инсонийликка зид тубанлик қиёфаси асарда ёрқин бадиий бўёқларда кўрсатилади.

62. **84(5Хинд)**
G19

Ганди, М. К. Менинг ҳаётим / М. К. Ганди. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 336 б. 5000 нусха.

Ҳиндистон мустақилликка эришгач, инглиз ҳукумати миллий озодлик курашининг оташқалб намоёндаси Махатма Гандидан Англияга ташриф буюришни илтимос қилади. Ҳиндистонни асрий мустамлакачилик асоратидан ҳалос қилган буюк раҳнамонинг қиёфасини ўзларича тасаввур қилган минглаб инглиз фуқаролари уни қарши олгани темирйўл вокзалига келадилар. Вагондан сочи тақир олинган, бошланг, эгнига оқ матони ўраб олган, оёғига шиппак илиб, кўлига асо тутган муштдеккина, озгин чол тушганини кўриб, ҳамма донг қотиб қолади. "Шунча йўлдан Англиядек мамлакатга келар экансиз, сал дурустроқ кийиниб олсангиз бўлмайдими?" деган саволга Ганди: "Мен она Ҳиндистонимнинг жонли тимсолиман, сизлар икки юз йилдан бери талайвериб, диёримни шу ҳолга солдингиз", деб жавоб беради.

63. **84(5Каз)**
Д99

Дусанов, С. Қашқир улиган тун: Роман, қисса, ҳикоялар / С. Дусанов; тузувчи. М. Мирзо. – Тошкент: O'zbekiston, 2017. – 384 б. 3000 нусха.

Ушбу китобда қозок адабиётини сўнги йилларда олам аро танитиб келаётган адиблардан бири-Собит Дусановнинг машҳур қисса ва ҳикоялари жой олган.

64. **84(5Турк)**
К54

Қозончи, А. Л. Ўғай она: Турк адабиётининг ҳаётӣй икки романи / А. Л. Қозончи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 368 б. 5000 нусха.

Хусн ва илму одобда бенуқсон бўлган ўн тўққиз ёшли Фотима нега икки етим фарзанднинг отасига турмушга чиқди? Онаси-ю холаларининг тушунтиришларидан қўшни ўғай онанинг сабоғи кучлироқ таъсир этдими? "Сўнги тўфон" рамзий-мажозий маънони англатади. Романда Турсунга ўхшаган ёвуз, меҳрсиз қимсалар ҳар бир хонадон учун, жамият учун бамисоли тўфон дейилади. Инсонга чуқур эҳтиром билан битилган "Сўнги тўфон" романини ўқиган ҳар бир кишининг қалбини инсоний туйғулар, ўйлар қамраб олади. Фарзанд олдидаги бурч ва масъулият, тарбия ва ахлоқ, тўғрилиқ ва ҳалоллик, чин инсонийлик хусусидаги тийран фикрларга бой ҳар иккала асар ўқувчи қалбидан жой олади.

65. **84(Исп)**
Л77

Энг қайғули шодлик: Шеърлар ва дostonлар / Ф. Г. Лорка; тарж. Ш. Раҳмон. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 396 б. 1000 нусха.

Ушбу китобга шоирнинг барча асарлар мажмуасидан намуналар, "Игнасио Санчес Мехиасга аза" достони ва "Тамарит девони" ҳамда турли шеърларидан намуналар киритилган.

66. **84(0)**
Э62

Энг сара дeдeктив хикоялар / тузувчи. Р. Жабборов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 240 б. 5000 нусха.

Эътиборингизга хавола этилаётган китобдан ўрин олган хикоялардаги жозиба эса мутлақо бошқача. Қахрамонларнинг соф психологик холати, жиноят ишига сабаб бўлган вазият ёки тийбир жоиз бўлса, инсон ички кечинмалари билан боғлиқ ҳар бир жараён шундай мохирона тарзда очиб берилганки, ўзингизни беихтиёр асар қахрамонлари ёнида тургандек хис қиласиз.

67. **84(7АКШ)**
L75

London, J. Martin Iden / J. London; тарж. Q. Mirmuhamedov. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. – 608 b. – 5000 нусха.

Ушбу китобда инсон ва жамият, жамиятдаги кескин синфий табақаланиш, унинг инсон ҳаётидаги фалсафий-ижтимоий ахамияти тўғрисидаги долзарб мавзулар баён этилган.

68. **84(7АКШ)**
Б93

Брэдбери, Р. Марсга хужум: Роман / Р. Брэдбери; тарж. А. Файзулла. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 304 б. – (Kamolot kutubxonasi) 5000 нусха.

Америкалик машҳур фантаст ёзувчи Рэй Брэдберининг шох асари "Марга хужум" фантастика ихлосмандлари манзур бўлади. Муаллифнинг фантастика воситасида бундай ғаройиб "саёҳат" лари

замирида улкан мажозий маъно ётади-у Ердаги хаёт, хусусан, она табиатга муносабат аллақачон издан чиққанлигини алам, ўқинч ва захархандалик билан ифода этади.

69. **84(7АКШ)**
Д76

Драйзер, Теодор. Америка фожиаси асар / Драйзер Теодор; Теодор Драйзер. **Ч.2** / тарж. У. Усмонов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 688 б. 5000 нусха.

Азиз китобхон! Биринчи китоб орқали сиз асарнинг асосий қахрамонлари билан танишдингиз. Табиийки, иккинчи китоб воқеаларга, хаяжонли фурсатларга яна-да бой. Бойлик кетидан қувган, шундай хаётни умри давомида орзу қилган, аммо бундай тўқис хаётга меҳнат ва машаққатсиз эришишни орзу қилган қахрамоннинг бу хом хаёли уни мудхиш жиноятга етаклайди. Ўқувчи ўз қахрамонининг рухий ҳолати билан танишаркан, бундай тақдирга аслида унинг ўзи эмас, уни тарбиялаган оилавий муҳит, уни тарбиялаган жамият сабабчи эканлигини тушунади.

70. **84(7АКШ)**
Д76

Драйзер, Теодор. Америка фожиаси : асар / Теодор Драйзер **Ч.1** / тарж.. Э. Носиров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 624 б. 5000 нусха.

Теодор Драйзернинг эътиборингизга ҳавола этилаётган икки қисмдан иборат йирик "Америка фожиаси" романи ҳамиша бутун дунёни уз ғоялари атрофида бирлаштиришга уринган гигант давлат - Америкада ўша вақтларда юз берган воқеликни кенг қамраб олганлиги, воқеаларнинг изчиллиги билан ҳамиша китобхонлар эътиборини ўзига жалб этиб келган.

71. **84(4Ингл)**
Д67

Doyl, A. K. Dengiz qaroqchisi Sharkining qismati : Sarguzasht-detektiv qissa va hikoyalar / A. K. Doyl; тарж. Н. Murodov, Б.м. 2016. – 160 б. 5000 экз.

Мазкур китобда инглиз ёзувчиси, мутаффақир ва публицист, тиббиёт ва мхуқук фанлари доктори, жаҳон адабиётида детектив ва саргузашт жанрларнинг беназр билимдони сифатида танилган машхур адиб-Артур Конан Дойлнинг саргузашт-детектив хикояларидан иборат.

72. **84(4Ингл)**
Д67

Doyl, A. K. Maksimus yoxud askardan chiqqan imperator = Максимус ёхуд аскардан чиққан император : Tarixiy qissa, sarguzasht va detektiv hikoyalar / A. K. Doyl; тарж. Н. Murodov. – Toshkent: Cho'lpon nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2016. – 160 б. – 5000 нусха.

Мазкур китобдан нафақат детектив ва саргузашт асарлар, балки тарихий қисса ва хикоялар ҳам ўрин олган бўлиб, муаллифнинг тарихий саргузашт жанрида қалам тебратувчи адиблар орасида чиндан ҳам устоз мақомида эканлигининг исботидир.

73. **84(4Ингл)**
S37

Swift. J. Gulliverning sayohatlari = Гулливернинг саёхатлари / J. Swift; тарж. V. Ro'zimatov. – Toshkent: Cho'lpon nomidagi nashriyot - matbaa ijodiy uyi, 2016. –128 б. – 5000 нусха.

Инглиз ёзувчиси Жонатан Свифтнинг "Гулливернинг саёхатлари" асари жаҳон болалар адабиётининг дурдоналари ҳисобланади. Муаллиф Гулливернинг лилипутлар ва дарозлар мамлақатида бошидан кечирган ғаройиб саргузаштларини тасвирлаб, ўқувчиларга олам-олам қувонч ва завқ бағишлайди.

74. **84(7АКШ)**
T98

Twain, M. The adventures of Tom Sawyer / M. Twain. – Tashkent: Yangi asr avlodi, 2017. – 192 p. – 5000 нусха.

75. **84(4Ингл)**
K81

Кристи, А. Изкувар Пуаро : хикоялар / А. Кристи. – Тошкент: O'zbekiston , 2016. – 160 б. 3000 нусха.

Ушбу тўпلامда адибнинг қизиқарли хикоялари танлаб олинган. Бу хикоялар сирли воқеаларга бойлиги билан ажралиб туради. Хикоялардаги изкувар қахрамонларнинг фикри тиниқлиги, жиноятларни фош қилишда иштирок этиши китобхон диққатини тартади. Айниқса, кунгиз мўйлов Пуаро ёки Марплнинг воқеалар ва жиноятларни очиши, масала ечимдаги ёрқин, аниқ хулосалари хайратлантиради.

76. **84(4Нем)**
К30

Кафка, Ф. Жараён : Роман / Ф. Кафка; тарж. В. Файзуллох. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 448 б. – 3000 нусха.

Вафо Файзуллох таржимаси асосида нашрга тайёрланган мазкур китоб Кафканинг дунё китобхонлари қалбини ларзага солган икки асари – "Жараён" ва "Отамга хат"ни ўз ичига олган.

77. **84(4Нем)**
Р40

Ремарк, Э. М. Лиссабондаги тун : Роман / Э. М. Ремарк ; тарж. С. Саидмуродов. – Toshkent: O'zbekiston, 2016. – 312 б. – 3000 нусха.

Адибнинг мазкур тақдим этилаётган "Лиссабондаги тун" романида мусофирчиликдаги хору зорликлар, фашизм, зулм ва икки қалб ўртасидаги сўнмас мухаббат, садоқат каби мавзулар кўтарилган.

78. **84(4Фр)**
Б26

Бальзак, О. де Евгения Гранде : Роман / О. де Бальзак; тарж. Даврон. – Toshkent: O'zbekiston NMIU, 2016. – 264 б. 3000 нусха.

Бальзакнинг ушбу асаридаги Гранде образида ўз манфаатларини ҳар нарсадан устун қўювчи ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайдиган француз кишининг манфаатпарастлик хусусиятлари жуда таъсирчан тарзда ёритилган.

79. **84(Фр)**
Л77

Лоран, Ш. Наполеоннинг жосуси : Тарихий Роман / Ш. Лоран; тарж. Р. Умматов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 288 б. – 5000 нусха.

Француз адиби Шарль Лораннинг мазкур асари ўқувчини XIX асрнинг бошлари – Наполеон Францияси даврига сайр эттириб, буюк саркарда Наполеон Бонапарт, жосус Карл Шульмейтер ва сохибжамол Берта ҳамда улар қарамогига олган, томирида қироллар қони оқаётган асранди бола Ганс каби қахрамонларнинг тақдири ва ички кечинмалари орқали урушнинг суронли онларига олиб киради.

80. **84(5Япо)**
А20

Абэ, К. Қумдаги хотин / К. Абэ ; муҳарир. А. Х. Саидов, тарж. В. Рузиматов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 352 б. – 5000 нусха.

Кобо Абэнинг адабиётшунослар томонидан антиқа ва жумбоқли асар сифатида талқин этиладиган "Қумдаги хотин" романида шахс ва жамият ўртасидаги зиддият ҳаёт-мамот нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этилади. Муаллиф мажозий тасвирлар орқали ҳақиқий инсоннинг яшашдан мақсади - жамиятнинг ўзи каби аъзоларига сидқидилдан хизмат қилиш, эзгуликка интилиш бўлиши кераклигини таъкидлайди.

81. **84(2Рос)1**
Б94

Булгаков, М. Уста ва Маргарита : роман / М. Булгаков. – Тошкент: Шарқ, 2016. – 480 б. – 10000 нусха.

Роман шундай ёзилганки, ёзувчи худди бу унинг охирги асари эканини илгаритдан сезгандай, унинг саҳифалари орқали ўқувчиларига ўз қалбининг бутун бойлиқларини, санъаткор қаламининг бутун сеҳрини, сатирик кўзининг бутун ўткирликларини ҳаёлотининг бутун шиддатини ҳамда психологик қузатувининг бутун теранликларини инъом этмоқни истаганини кўриш мумкин.

82. **84(2Poc)**
Д74

Достоевский, Ф. Телба : роман / Ф. Достоевский. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 944 б. 2000 нусха.

Китоб қахрамони телба, дарвиш бўлгани холда ўқувчини қайси жосибаси билан ўзига тортади? Буюк қалби билан яшаган князь Мишкин (телба); хаётининг ўта мураккаб ва мушкул дамларида зохиран жуда гул ва заиф кўринган қахрамонимизга қалбан мухтожлик сезган Настасья Филипповна, Аглая каби асарнинг таянч қахрамонлари мутолаа якунига қадар ўқувчининг диққат марказида туради.

83. **84(2Poc)**
З-31

Замятин, Е. Қадимги Рим ва Атилла : Қисса / Е. Замятин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 152 б. 3000 нусха.

Адиб "Қадимги Рим ва Атилла" қиссасида асли туркий қавмлардан бўлиб, хуннлар императори сифатида дунё тарихида қолган Атилланинг болалик ва ўсмирлик йилларини қаламга олади. Қиссадаги ахлоқан тубанликка юз тутган Рим хаёти тасвири ва ёш Атилланинг ички дунёси шаклланиши бугунги кун ўқувчиси қалбида теран мулохазалар уйғотишига ишонган холда ушбу китобни тақдим этмоқдамиз.

84. **84(2Poc)**
Л44

Лермонтов, М. Ю. Замонамиз қахрамони : Насрий асарлар / М. Ю. Лермонтов; тузувчи. А. Шер. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 296 б. – 3000 нусха.

Ушбу китобда М. Ю. Лермонтовнинг рус насрини юксак поғонага олиб чиққан ижод намуналари жой олган.

85. **84(2Poc)6**
С43

Семёнов, Ю. Бахорнинг ўн етти лахзаси : роман / Ю. Семёнов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 488 б. 2000 нусха.

1945 йил бахор. Гитлерчилар Германиясининг сўнги кунлари. Фашизм ўлим ёқасида ётибди, аммо кураш тугаганича йўқ. Ушбу романда анна шундай вазиятда душман уясида иш кўрган айғоқчи Максим Исаев хақида хикоя қилинади. Унинг зиммасига юкланган вазифа - фашистларнинг ғарб мамлакатлари бошлиқлари билан сепарат сулх тузишга уринишларини фош этиш ва барбод қилишдан иборат бўлиб, бу машаққатли вазифани шараф билан бажаради.

86. **84(2Poc)6**
С43

Семёнов, Ю. Тирик қолиш буюрилган : роман / Ю. Семёнов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 480 б. 5000 нусха.

Муаллиф "Бахорнинг ўн етти лахзаси" романининг узвий давоми бўлган ўзининг янги "Тирик қолиш буюрилган" деб номланувчи асарида гитлерчилар рейхининг ўлим олдидаги талвасасини, фашизм пешволарининг ўз хаётларини сақлаб қолиш йўлида хар қандай кабиҳликдан ҳам тоймай қилган беҳуда уринишларини тасвирлайди.

87. **84(2P)1**
Т64

Толстой, Лев. Анна Каренина / Лев Толстой. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 608 б. 5000 нусха.

Романда келтирилган Каренинлар, Облонскийлар ва Левинлардан иборат учта катта оиланинг турмуш-тарзи, уларни боғлаган ришталар, қахрамонлардаги эътиқод масаласи, Вронскийни Аннага томон талпинтирган куч, ниҳоят Аннанинг халокатли ўлими тасвирларини уқиркан, китобхон ўзини беихтиёр Толстойга яқиндек, Толстой қалбини ўқийтгандек хис этади.

88. **84(2P)1**
Т64

Толстой, Лев. Уруш ва тинчлик : роман / Лев Толстой **Кн.1 и 2** . – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 976 б. 3000 экз.

Роман-эпопея жанрининг энг шох асарларидан бўлмиш мазкур машхур "Уруш ва тинчлик" романи кўлами жихатидан дунё адабиёти ихлосмандлари томонидан юксак эътирофларга сазовор бўлган.

89. **84(2P)1**
T64

Толстой, Лев. Уруш ва тинчлик : роман / Лев Толстой **Кн.3 и 4** . – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 976 б. 3000 нусха.

Бу китоб фақат уруш ёхуд тинчлик ҳақида эмас. Унда мавзулар қамрови - одамлар қисмати, уларнинг тақдири, уйлари, қарашлари ва айна пайтда бўлаётган жараёнларга муносабати китобхон эътиборини четда қолдирмайди.

90. **84(5У)6**
B65

5 қисса : Севги қиссалари / тузувчи. Ф. Хидоятлов. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 24 б. 3000 нусха.

Мазкур китобга элимизнинг атоқли ва ардоқли ёзувчилари Абдулла Қаххор, Шухрат, Одил Ёкубов, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Хошимовларнинг севги, мухаббат туйғулари, уларнинг изтиробли, хижронли онлари ҳаётий ва гўзал тасвирланган қиссалари жамланган. Давр руҳини сақлаб қолиш мақсадида қиссалардаги баъзи номлар аслиятга асосан қолдирилди.

91. **84(5O)6**
A98

Ahmad, S. Jimjitlik : Roman / S. Ahmad.– Toshkent: Sano-standart, 2016. – 336 b. 10000 нусха.

Таниқли адибимиз Саид Аҳмаднинг "Жимжитлик" романи 1986-198 йилларда "Шарқ юлдузи" журналида давомли эълон қилинди. Гофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти уни 1989-йилда 150 000 нусхада босиб чиқарди. Вироқ, ўша даврдаги яккахокимлик мафқурасига хизмат қилувчи сензура муаллифни оғохлантирмай, хатто, унга сездирмай, асарнинг учдан бир қисмини олиб ташлади. Оқибатда, майиб асар ўқувчи кўлига тегди. Муаллиф ўтган ўн тўрт йил давомида романни қайта тиклаш учун кўп ўринди. Ўз асарни қайта ишлаш жараёнида бугунги кун талабларини назардан қочирмади. Роман ёзувчилик билан эзгуликнинг абадий курашига бағишланган.

92. **84(5O)6**
A98

Ahmad, S. Qorako`z Majnun : Hikoyalar / S. Ahmad. – Toshkent: Sano-standart, 2016. – 232 b.10000 нусха.

Ушбу китобда халқимизнинг суюкли адиби, ҳаёти ибратларга тўла, мустаҳкам ирода соҳиби Саид Аҳмаднинг айрим хикоялари ўрин олган. Деярли ҳар бир хикояда ўқувчи ўзлигини, қалбидаги имон-эътиқод, она-юрт, ўзгаларга ҳурмат, меҳр-мурувват туйғусини йўқотмаган инсонлар билан учрашади, улардан нимадир олади.

93. **84(5O)6**
F79

Fozilov, N. Ko'klam qissalari = Kўклам қиссалари : qissalar / N. Fozilov. – Toshkent: O'zbekiston, 2016. – 264 b. 3000 нусха.

Болалик – вақт ўтган сари узоқлашиб кетадиган мужизадир. Ахир болаликни бежиз қумсаб юрмаймиз-ку. Аммо адабиёт билан, китоб билан ошно кўнгил бу мўжизадан ҳеч қачон бебаҳра қолган эмас. Болалар, севимли ёзувчингиз Носир Фозиловнинг ушбу китобини ўқигач, болаликнинг мўжиза эканлигига ўзингиз ҳам амин бўласиз. Китобга адибнинг "Саратон" ва "Қуш қаноти билан" номли қизиқарли қиссалари жамланди, бу қиссалар сиз азиз ўқувчиларга ҳам маъқул бўлади, деган умиддамиз.

94. **84(5O)6**
G'79

G'ulom, G. Shum bola = Шум бола : qissa / G. G'ulom. – Toshkent: O'zbekiston , 2016. – 176 b. 5000 nusxa.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, забардаст адиб Ғафур Ғулом ўнлаб хикоялар, қиссалар, шеърлар муаллифидир. У ўз асарларида инсонлардаги маънавий-ахлоқий фазилатларни ардоқлашга, меҳроқибатни улуғлашга, баъзи иллатларни юмор тарзида тасвирлашга интиланган. Қиссадаги турли характердаги инсонларнинг тақдири, кечинмалари, уй-фикрлари, воқеа-ходисалар ўзига хос санъаткорона тарзда тасвирланган. Айниқса, асардаги Қоровой образи ўзининг бетакрорлиги билан жахон болалар адабиётининг юксак намунаси ҳисобланади.

95. **84(50)'7**
H71

Hoshimov, O' Dunyoning ishlari = Дунёнинг ишлари : qissa va hikoyalar / O' Hoshimov. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. – 336 b. 5000 nusxa.

Жонли ва хаётий тасвирлар, соф ўзбекона ёндашув ва характер, қахрамонлар ўртасидаги суҳбатлар мутолааси ўқувчини ўз таъсирига олади. Нафақат миллат, балки чин инсонийлик тараннуми ёзувчи асарларида етакчилик қилиши китобхон учун тарбиявий ва хаётий сабоқ бўлади. Хох жиддий, хох хажвий бўлсин Ўткир Ҳошимов асарларида хаёт кайнайди: унда ҳар биримиз ўзимизни, оиламизни, дўст-у ёримизни, хатто ҳеч кимга ўхшамаган онамизни кўрамиз...

96. **84(50)'7**
H71

Hoshimov, O'. Bahor qaytmaydi = Баҳор қайтмайди : qissa va hikoyalar / O'. Hoshimov. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. – 280 b. 5000 nusxa.

"Баҳор қайтмайди" қиссаси 1969-йилда ёзилган. Қиссада ёзувчи истеъдодли, бироқ унинг қадрига етмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназзул тарихини, рухий-маънавий инкирозини санъаткорона таҳлил этиб берган. Орадан ўтган 45 йил қисқа муддат бўлмаса-да, воқеалар бугун ҳам давом этяпти. Хаётдаги Алимардон Тураевлар учун ушбу асар кўзгу, хаётий сабоқ бўлса, ажаб эмас.

97. **84(50)'7**
H71

Hoshimov, O' Ikki eshik orasi = Икки эшик ораси : roman / O' Hoshimov. – Toshkent: Sharq, 2016. – 624 b. 10000 nusxa.

Бу китобдаги кўп одамларни ўзим кўрганман. Кўплари билан гаплашганман. Баъзиларининг ўзи билан, баъзиларининг... руҳи билан... Баъзилари нима гапирганини эмас, нима ўйлаганини ёзишга мажбур бўлдим. Начора ҳамма рост гапиравермайди. Аммо ёлгон гапираётган одам ҳам ичида, барибир ростини ўйлайди. Хуллас, бу савдолар кўп йиллар давомида кўп кишиларнинг бошидан кечган. Улар устидан ҳукм чиқариш - сизларга хавола...

98. **84(50)'7**
H81

Ismoiliiy, M. Qizlar daftariga : O'n bir oqshom hikoyasi / M. Ismoiliiy. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. – 184 b. – 5000 nusxa.

Ушбу китобда бувининг набира-қизига, шу орқали унинг дугоналарига хаёт сабоқлари-муҳаббат, вафо, бурч ва садоқат, ҳалоллик, туғрилиқ хусусидаги ўғитлари ўз аксини топган. Шу билан бирга эгриликнинг оқибатлари, оиладаги келинлик вазифалари, фарзанд тарбиясидаги нозик жихатлар баён этилади.

99. **84(50)'6**
M99

Mo'min, P. Bo'ladigan bolalar : She'rlar / P. Mo'min; H. Rahmatullayev. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. – 96 b. 5000 nusxa.

Болаларнинг таниқли шоири Пўлат Мўминнинг ушбу сараланган тўпламида ота-онага меҳр, дўстлик, одоб-ахлоқ, меҳнат ва билимдонлик, зукко бўлишга чорловчи шеърлар ўрин олган.

100. **84(50)'1**
N14

Navoiy gulshani / тузувчи S. Abdukarimov. – Toshkent: O'zbekiston, 2016. – 168 b. 3000 нусха.

Ушбу китоб буюк шоир Алишер Навоий ижодини халққа етказиш йўлидаги хайрли анъананинг узвий давоми сифатида вужудга келган бўлиб, улуғ санъаткор асарлари асосида тайёрланган мўжаз гулдастадан таркиб топган.

101. **84(50)'7**
O14

Obidjon, A. Meshpolvon jangga otlandi = Мешполвон жангга отланди : Qissa / A. Obidjon. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. – 216 b. – 5000 нусха.

Мазкур китоб Анвар Обиджоннинг халқ дostonлари охангида битилган қувноқ қиссаси хақида. Унда Мешполвоннинг ғаройиб кечинмалари, кўрсатган қахрамонликлари хикоя қилинган.

102. **84(50)'7**
T98

To'xtaboyev, X. Jannati odamlar : Roman va ertaklar / X. To'xtaboyev. – қайта ишланган 2-чи нашр. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. – 272 b. 10000 нусха.

Адибнинг мазкур китобида болажонларга орзу қилишга ўргатадиган, илохий қувват берувчи, ғайрату шижоат бағишловчи эртаклардан иборат.

103. **84(5У)7**
T98

To'xtaboyev, X. Mungli ko'zlar : Ertak-roman = Мунгли кўзлар: Эртақ-роман / X. To'xtaboyev. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. – 308 b. 5000 нусха.

Севимли ёзувчимиз Худойберди Тухтабоевнинг мазкур асарида мол-дунёни хар нарсадан устун билган ва охир-оқибатда гулдек фарзандларининг аччиқ қисматиға сабаб бўлган ота-она хақида хикоя қилинган.

104. **84(50)'6**
T98

To'xtaboyev, X. Qiz bolaga tosh otmang / X. To'xtaboyev. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. – 352 b. 5000 нусха.

Ушбу китобда сеvimли ёзувчимизнинг сўнги йилларда ёзган икки романи ўрин олган. Асар қахрамонлари мустақиллик даврининг фарзандлари. Улар мустақиллик яратиб берган имкониятлардан фойдаланиб, фермер хўжалиги ташкил этадилар.

105. **84(50)'6**
U47

Umarbekov, O'. Oyning oltin o'rogi = Ойнинг олтин ўроғи : hikoyalar / O'. Umarbekov. – Toshkent: O'zbekiston , 2015. – 192 b. 3000 нусха.

Ушбу хикояларда турли характердаги инсонларнинг тақдири, кечинмалари, ўй фикрлари, воқеа-ходисалар ўзига хос санъаткорона тарзда тасвирланган, Шу сабабли бу хикояларни ўқиш жараёнида ўқувчи гоҳ ўйга толади, гоҳ кайғуради, гоҳида эса, ўзини айни қахрамоннинг ўрниға қуйиб, бундай вазиятда мен нима қилган бўлардим, деган саволни ўз олдига қуяди ва ечимини ахтаради. Тақдим этилаётган хикояларда ўша давр руҳини сақлаб қолиш мақсадида шаҳарлар ва айрим атамалар номи аслиятға асосан қолдирилди.

106. **84(5У)6**
Ё93

Ёкубов, О. Улуғбек хазинаси : роман / О. Ёкубов. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 456 б. 500 нусха.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёкубовнинг "Улуғбек хазинаси" номли асари сиз ўқувчиларға яхши таниш. Асарда бобоколониmиз Мухаммад Тарағай Улуғбекнинг шахсий хаёти, фожиавий қисмати хақида хаяжон билан хикоя қилинади.

107. **84(5У)6**
A37

Азим, Усмон Танланган асарлар / Усмон Азим **Шеърлар, бахшиёна қўшиқлар**
– Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 480 б. 1000 нусха.

"Танланган асарлар"нинг 1-жилдида шоирнинг китобларидан энг сара шеърлар ва бахшиёна қўшиқлар жамланган.

108. **84(5У)1**
Б34

Бать, Л. Хаёт бўстони : Навоий хақида қисса / Л. Бать. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёти, 2016. – 448 б. 500 экз.

Ёзувчи Лидия Бать ушбу асарни қоғозга туширмоқ учун қанчадан-қанча кулёзмаларни ургангани, Навоий асарларининг магзини чакишга ҳаракат қилгани тайин. Бизга эса уни уқиш ва хаёт гулшани ифорларидан баҳра олиш қолди. ҳолос.

109. **84(5У)6**
Б79

Бобоев, С. Тунги қўрқув : Хикоялар / С. Бобоев. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 248 б. 3000 нусха.

"Мен англаган ҳақиқатлар, "Армонли дунё", "Сиртмоқ қошидаги уйлар" китоблари муаллифи Саидвафо Бобоевнинг ушбу китобида ўзига хос услубда ёзилган туркум хикоялар жамланган. Муаллиф ўзи кўрган ва бевосита иштирок этган воқеа-ҳодисаларни бадиий талқин қилади. Бири-бирдан хаяжонли, қизиқарли ва айни пайтда ҳаётий бўлган хикоялар ўқувчиларни беихтиёр воқеалар домига тартади. Хикояларда ўзимизнинг содда ва самимий одамларимиз характери, дунёқараши мохирлик билан тасвирланган.

110. **84(5У)7**
Б81

Бойқўзиев, А. Тешиқмозор хангомалари : Хажвий қисса / А. Бойқўзиев. – Ташкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриет-матбаа ижодий уйи, 2016. – 136 б. 500 экз.

Беғараз, беғубор кулгу халқимизнинг жону дили. Шу боисдан ҳам ушбу тўпламга таниқли ижодкор Абдунаби Бойқўзиев қаламига мансуб ичақузар хангомалар, латифалар жамланди. Уларни мутола қиларкансиз, кўнглингиз кундай равшан тортишига, мана, биз кафил. Айниқса, тешиқмозорлик сўз усталарнинг ҳазил-мутоибалари, ўзига хос аскиялари ҳеч бир ки тобхонни бефарқ қолдирмайди.

111. **84(5У)6-4**
Б88

Боту Танланган асарлар / Боту. – Тошкент: Маънавият, 2016. – 248 б. 3000 нусха.

Боту таҳаллуси билан ижод қилган Маҳмуд Ходиев (1904-1938) ўтган асрнинг 20-йилларида халқимиз ўртасида нафақат шоир, балки ҳар томонлама билимли, истеъдодли ва фидойи жамоат арбоби сифатида ҳам танилган. У, айниқса ёшлик нашидаси билан сугорилган, тенгдошларининг олийжаноб интилишларига руҳ ва куч бағишлайдиган шеърлари билан ёш авлоднинг меҳр-муҳаббатини қозонган эди.

112. **84(5У)6**
Д99

Дуст, М. Лолазор: роман / М. М. Дўст. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 560 б. 3000 нусха.

Лолазор романи поёнига етаётган аср ўзбек адабиётининг жиддий ҳодисаси бўлиб, у миллий романчилигимиз тараққиётида муҳим босқич ҳисобланади. Бу роман кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

113. **84(5У)7**
Д99

Дўстмуҳаммад, Х. Донишманд Сизиф: Романлар / Х. Дўстмуҳаммад. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 360 б. 3000 экз.

Фозилбек оғир рухийизтироблар исқанжасида. У ўзининг дунёга келиш синоатларини, онасининг дийдорига етишиш бир умрлик армонга айланганини сира унутолмайди, ўзи оила қурадиган фурсат етганида эса тўқис оила асосларини ўзича талқин этадиган йигитга айланиб улгурганди.

Китобдан ўрин олган иккинчи роман қахрамони жахон адабиётида машхурдан-машхур бўлган Сизиф образи. Муаллиф кенг оммалашган афсонавий-мифологик қаҳрамон мубтало этилган шавкатсиз қисмат орқали инсон, дунё, муносабатлар гирдоби хақида ўзига хос кузатишлари, ўйларини мухтарам китобхонлар эътиборига хавола этади.

114. 84(5У)7

Ж13

Жабборов, Р. Хиёнат чоррахаси: Детектив қиссалар / Р. Жабборов. – Тошкент: 2016. – 280 б. 2000 нусха.

Ушбу китобда истеъдодли ижодкор Рустам Жабборовнинг сара детектив қиссалари жамланган. Асарлардаги самимийлик, ўзига хос содда тил ҳамда қандайдир сеҳрли куч ўқувчини адабиётнинг сирли оламига олиб кира олади.

115. 84(5У)7

И14

Иброхимова Н. Жодугар ёхуд 1000 йиллик хаёт : Фантастик қисса / Н. Иброхимова. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 160 б. 3000 экз.

Улимтопмас йигит ва жодугар қиз хаётдан сўзловчи фантастик қисса сизни ўтмиш асрорлари, сеҳр-жоду тилсимлари, инсоний туйғулар ва чин мухаббат воқеаси билан таништиради.

116. 84(5У)7

И81

Исмоил, А. Жинлар базми ёхуд катта ўйин : роман / А. Исмоил. – Тошкент: Академ-нашр, 2016. – 416 б. 1000 нусха.

Ўзбек романчилиги тарихида янги саҳифа очиши кутилаётган мазкур асарда Абдулла Қодирий хаётининг сўнги дамлари ва ўлкамизда 19 аср ўрталарида юз берган аянчли воқеалар қаламга олинган. Ёзувчи воқеаларни шў қадар усталик билан кўз олдимизда гавдалантирадики, сўнги саҳифагача китобхон асар таъсиридан чиқиб кетолмайди. Кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган мазкур роман мутолааси барчамизга муборак бўлсин!

117. 84(5У)7

И84

Исхоқ, С. Қиёматга қолмаган қасос: Тарихий-детектив роман / С. Исхоқ. – Тошкент: Гофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 484 б. 1000 нусха.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли адиб Сойим Исхоқ қаламига мансуб "Қиёматга қолм аган қасос" романининг бош қахрамони Шунқорбек зехни, ақли ва тиришқоқлиги, билимдоглиги билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. Тахсилдан сўнг сарой мулозимига айланиб, катта мансаб эгаси бўлади. Худди шундай пайтдан Абдуборининг дилида сабоқдош дўстига нисбатан адоват, ҳасад ўти аланга олади. Мудхиш жиноят юз беради. Ушбу асар завқ-шавқ, катта қизиқиш билан ўқилади. Китобхон кўнглида ёвузликка, хиёнатга нисбатан ўтли нафрат, эзгуликка, адолатга нисбатан нурли мухаббат, эхтиром пайдо қилади.

118. 84(5У)7

Й69

Йулдошев, А. Дарё : Роман / А. Йулдошев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 416 б. 5000 нусха.

Абдуқайюм Йулдошевнинг "Дарё" романида бугунги кун нафаси билан яшаётган, тақдир йўллари бир-бири билан баъзан туташган, баъзан айро тушган қаҳрамонлар ички кечинмалари турфа воқеликларда тасвирланган.

119. 84(5У)4

К53

Қодирий, А. Мехробдан чаён : роман / А. Қодирий. – 2-чи қайта ишланган нашри Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 328 б. 5000 нусха.

Йиллар ошган мазкур асар ҳар гал ўқувчини қайсидир жихати билан сергаклантиради. Даврнинг жирканч мухити, амалпарастлик, турмуш икир-чикирлари ва ниҳоят гўзал мухаббат тавсифларига бой ушбу асарнинг бугунги кунгача ардоқда эканлиги тасодиф эмас, албатта...

121. **84(5У)7**
К59

Коржовов, А. Сўнги кеча : детектив хикоялар / А. Коржовов. – Тошкент: Sano-standart, 2016. – 288 б. 5000 нусха.

Инсон умри давомида гоҳ реал ҳаётда, гоҳ китобхонларда кўплаб жинойт жумбоқларига, сирли воқеаларга дуч келади. Азамат Коржововнинг детектив жанридаги хикоялар тўплами китобхонда катта қизиқиш уйғотади деган умиддамиз.

122. **84(2Рос)6**
К71

Короленко, В. Кур мусиқачи : қисса / В. Короленко. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 152 б. 500 нусха.

Машҳур рус адиби В. Г. Короленконинг кўлингиздаги "Кўр мусиқачи" насрий поэмаси онадан кузи ожиз бўлиб тугилган истеъдодли боланинг камолот пиллапояларидан юксалиши, кечмишлари, рухий изтироблари, севгиси, махбубасига муносабатлари лирик этюд шаклида тараннум этилади

123. **84(5У)**
Л93

Лутфий Бу кўнгилдир, бу кўнгил : Ғазаллар / Лутфий. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 176 б. 500 нусха.

Ўз даврининг "Маликул калом"и бўлган мавлоно Лутфийнинг ғазал ва туюқлари оҳангдорлиги ва ўзгача ташбехлари билан ажралиб туради. Бу китобда мавлононинг халқимиз кўнгилдан жой олган, энг сара шеърлари жамланган.

124. **84(5У)6**
М22

Малик, Т. Келинлар дафтарида / Т. Малик. – қайта ишланган 2-чи нашр – Тошкент. 2017. – 512 б. 2000 нусха.

Ушбу ахлоқ рисоласи келинларга ёзилган бўлсада, унда куёв, қайнота, қайноналар эътиборини тортувчи масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилган. Китобда кўни-кўшничилик, меҳмондўстлик, вақт қадри, исрофгарчиликдан қочиш, ҳуллас, инсонни гўзал қилувчи жамики фазилатлар ҳусусида сўз боради.

125. **84(5У)7**
Э78

Малик, Э. Дуо олган келинчак : хикоялар пандномалар / Э. Малик. –Тошкент: 2016. – 400 б. 10000 нусха.

Инсон дегани – унутувчи ва хатокор дегани. Яхши кунларида ёмон кунини, ёмон кунда яхши кунларини унутиб қуйдимми, демак, у хато қилади. Ажабо, бу дунёда хато қилмай яшаш мумкинми? Муаллиф ушбу рисолада анна шу азалий ва абадий саволга жавоб излаган бўлади.

126. **84(5У)6**
М31

Матжон, О. Умр ўтар, вақт ўтар : шеърлар / О. Матжон. – Тошкент: O`zbekiston, 2016. – 144 б. 3000 нусха.

Ўзбек халқининг севимли шоири Омон Матжоннинг мазкур тўпламига унинг шу пайтгача нашр этилган барча китобларидаги энг сара лирик, ижтимоий, тарихий, фалсафий ҳамда жаҳон адабиётидан қилинган таржима шеърлари жамланган.

127. **84(5У)7**
М54

Мирзо, А. Суиқасд : роман / А. Мирзо. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – 360 б. 20000 нусха.

Мазкур роман "Аёзи чўзилган бахор" ва "Ажал билан юзма-юз" китобларининг мантиқий давомидир. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида мамлакатимизда содир этилган дахшатли воқеалар қиш аёзининг хамон давом этганидан дарак беради.

128. **84(5У)7**

М54

Мирзо, Б. Тиллафуруш : роман / Б. Мирзо. – Наманган: Наманган, 2016. – 720 б. 5000 нусха.

Китобдан тўғри йўлдан адашган, бойлик ва кибр-хаводан хазар қилмайдиган, айна дамда эса бошига тушган кўргиликлардан тўғри хулоса чиқармаган инсонлар қисмати ҳақида хикоя қилинади.

129. **84(5У)1**

М94

Муқимий, Лолазор айлаб келинг : ғазаллар, мураббаълар, мухаммаслар / Муқимий. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 188 б. 1000 нусха.

Ўзбек адабиётининг йирик намоёндаси, хассос шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий асарлари ўзбек китобхонларига сир эмас. Шоирнинг қолдирган мероси халқимиз учун битмас-туганмас маънавий хазинадир. Мазкур китоб Муқимийнинг халқимиз маънавий мулкига айланган, куйга солинган энг машхур шеърлари асосида тайёрланди.

130. **84(5У)7**

М95

Муҳаммад, И. Бриллиант узук сирини : хикоя ва қиссалар / И. Муҳаммад. – Тошкент: 2016. – 176 б. 1000 нусха.

Иброҳим Муҳаммад шу жанрда ижод қилаётган ёзувчиларимиздан бири. Унинг жиноятни очишдаг ўзига хос ечимлари хикоя ва қиссаларининг ўқишли бўлишига хизмат қилади. Ўйлаймизки, кўлингиздаги китоб сизга ҳам манзур бўлади.

131. **84(5У)7**

Н23

Намозов, А. Тохир Малик гурунглари / А. Намозов; тарж. А. Йўлдошев. – Toshkent: 2016. – 392 б. 3000 нусха.

Ушбу китоб кечаги, бугунги кун ва келажак хусусида турли мавзуларни қамраб олгани билан ахамиятлидир. Китобда муайян масалалар юзасидан устоз ва шогирднинг турли қарашлари, фикр-мулоҳазалари кенг жой олган.

132. **84(5У)6**

Н57

Низом, Ш. Тўққиз хокон салтанати : Тарихий роман-эссе / Ш. Низом. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 296 б. 3000 нусха.

Дунё тараққиётида бурилиш ясаган фотихлар ичида туркийлар кўпчиликини ташкил этади. Шундан саккистаси "учтаси - Эрлик хокон, Ўғузхон, Таргитой, бештаси тарихий – Алп Эр Тунга, Ишпагай, Аттила, Истамихон, Амир Темур" тўғрисида ушбу асаримизда алоҳида тўхталишни лозим топтик. Ушбунини ўқиб чиққач, Сиз ҳам мозий хилқатлари аро бирровгина сайр этиб, аждодларимизнинг оламшумул ишлари ила фахрлана олсангиз, сунг чор атрофга магрур назар ташласангиз, биз мақсадимизга етган буламиз.

133. **84(5У)6**

Р87

Нурмуродов, А. Қонли йўргаклар / А. Нурмуродов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 512 б. 5000 нусха.

Ушбу китоб Абдурашид Нурмуродовнинг ўн йиллар мобайнида Афғонистон тупроғида бораётган қонли уруш ҳақидаги хикояларидан иборат.

134. **84(5У)6**

О-38

Ойбек, Навоий : роман / Ойбек. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 456 б. 5000 нусха.

Ойбек яратган "Қутлуғ кон" ва "Навоий" романлари ўзбек романнавислик мактабининг дурдона асарлари сирасига киради. 21 асрда улғайиб бораётган китобхонлар улўғ адибнинг "Навоий" романини, ота-оналари сингари, севиб ўқийдилар, деб умид қиламиз.

135. 84(5У)7

O58

Онажон - Каъбам ўзинг : Она хақида машхур хикоялар / С. Турсунов. – Тошкент: Гофур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 312 б. 1000 нусха.

Она Ер, Она Ватан, Она Тил ва Она Табиат. Шу тўрт номсиз хаёт йўқ, демак онанинг яна битта номи Хаёт. Дунё тарихларини, адабиёти-ю, санъатини, жамики, бетақрор ижод намуналарининг бош мавзуси - Аёл. Аёл эса - Она, опа, сингил, ёр.

136. 84(5У)6

O68

Орипов, А. Эверест ва уммон : Шеърлар / А. Орипов; муҳаррир. А. Назар. – 2-чи . – Тошкент: O'zbekiston, 2017. – 392 б. 3000 нусха.

Ушбу тўпламда озод ва покиза кўнгилнинг гоҳ майин, гоҳ нолакор, гоҳ ўтли, гоҳ мунгли туйгулар мусавири Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг сўнги йилларда ва вафотидан олдин ёзилган шеърлари жамланган.

137. 84(5У)6

O-80

Осим, М. Жайхун устида булутлар : Тарихий қиссалар / М. Осим. – Тошкент: Гофур Фулом номидаги НМИУ, 2016. – 104 б. 500 нусха.

Мазкур китобдан ёзувчининг "Широқ", "Ибн Сино қиссаси", "Алжабрнинг туғилиши", "Темур Малик" қиссалари ўрин олган. Ватанпарварлик, юрт, замин учун жонини фидо қилган Широқ ва Темур Малик қалбингизга қахрамонлик туйғусини солса, буюк табиб Ибн Сино ва машхур олим Хоразмийнинг дунё маданиятига қўшган хиссаси сизни улўғ аждодлар тафаккуридан баҳра олиш ва фахрланиш, уларга муносиб издош бўлишга ундаса, ажаб эмас.

138. 84(5У)6

O80

Отабек, Ш. Дурмон хангомалари / Ш. Отабек; муҳаррир. А. Мелибоев. – қайта ишланган ва тўлдирилган 5-чи нашри. – Тошкент: Sharq, 2016. – 528 б. 3000 нусха.

Мазкур китобда таниқли шоир ва ёзувчи, адибларнинг хаётида рўй берган қизик, кулгили ва ибратли воқеалар, хангомалар, аския, латифалар, ажойиб лутфлар қаламга олинган.

139. 84(5У)6

C28

Самандар, Э. Кирон ғилдираги : Тарихий роман / Э. Самандар. – Тошкент: Sharq, 2016. – 224 б. 3000 нусха.

Мазкур асар киргин салтанатидан соғлом тафаккур, ҳақсизлик устидан хурлик-озодлик, разолат устидан адолат тантанаси муқаррар эканлигини кўрсатувчи ўзига хос яна бир қатағоннома асардир.

140. 84(5У)7

У80

Ўринова Д. Юрагимсан, Ватаним : Шеърлар / Д. Ўринова. – Фарғона: Фарғона, 2017. – 48 б. 500 нусха.

Ушбу тўпламда ёш ижодкорнинг она Ватан, бетақрор юрт гўзаллиги, дўстлик ва муҳаббат туйғулари ўзига хос охангда тараннум этилган.

141. 84(5У)6

X71

Хошимов, Н. Топталган гулбадан : қисса / Н. Хошимов. – Тошкент. 2017. – 204 б. 3000 нусха.

Эътиборингизга хавола этилаётган ёзувчи Набижон Хошимовнинг мазкур асаридаги Зубузар исмли қиз эса бизнинг замондошимиз. Ха, унинг қисмати ўта ачинарли ва аччиқ. Афсуски, бундан ҳолатга жамиятимизда учраб турадиган баъзи диёнатсиз, имонсиз ва худбин одамлар сабабчи.

142. **84(5У)7**

X71

Хошимов, Ў. Нур борки соя бор : роман / Ў. Хошимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 288 б. 5000 нусха.

Ўткир Хошимовнинг эътиборингизга хавола этилаётган навбатдаги "Нур борки, соя бор" асари нашриётимизнинг севимли китобхонларига тақдим этаётган янги тухфасидир. Асарда жамият ҳаётидаги иллатлар, тургунликнинг моҳияти, инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммо ва қадриятлар, инсонлар ўртасидаги севги ва хиёнат, бир сўз билан айтганда, "нур" ва "соя"лар орасидаги азалий кураш мавзуси қаламга олинган.

143. **84(5У)7**

X71

Хошимов, Ў. Тушда кечган умрлар : роман / Ў. Хошимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 272 б. 5000 нусха.

Романда келтирилган воқеалар камрови жуда кенг: 30-йилларнинг машъум "катагон" қилиш манзараларини, 80-йиллардаги қупчиликнинг ёстиқини қуритган Афғони стон уруши лавҳалари, шу йилларда содир булган "узбек иши"... Инсонлар ҳаётида содир бўладиган бу учта йирик, жуда ката ҳажмли воқеаларни бир-бири билан боғлашда ёзувчи маҳоратига тан бермасликнинг иложи йўқ. Воқеалар ёки қахрамонлар ҳақида гапириб ўтмоқчи эмасмиз. Яхшиси, ўзингизни мутолаага чорлаймиз

144. **84(5У)7**

X87

Худойкулов, М. Машхур изқувар Шерлок Холмснинг уйида меҳмон бўлганим : Саёхатлар ва хикоятлар / М. Худойкулов. – Тошкент: Навруз, 2016. – 176 б. 1000 нусха.

ДИНШУНОСЛИК

145. **86.38**

G16

Газзолий, А.Х Мукошафатул кулуб: Қалблар кашфиёти / А.Х Газзолий; муҳаррир. Ш.А. Мансур. – қайта ишланган нашр – Тошкент: Sharq NMAK, 2016. – 472 б. 5000 экз.

Алломининг "Қалблар кашфиёти" деб номланган ушбу китобида ҳам Аллоҳ таолога доимо итоатда, қўрқув ва зикрда, севги-муҳаббатда бўлиш фазилатлари ҳамда у Зотни, Расулини унутиш оқибатида шайтоннинг очиқ душманлиги билан инсон табиати ва ҳаётининг турли соҳаларида ҳалокатли ҳолатлар келиб чиқиши ҳақида таъсирли, жозибали ҳикоя қилинади.

146. **86.38**

P15

Пайғамбарлар тарихи: Исломият тарихи / муҳаррир. А. Турсунов. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2016. – 444 б. 5000 нусха.

Мазкур "Пайғамбарлар тарихи"да пайғамбарларнинг (уларга салот-у саломлар бўлсин) насл-насаби, ҳаёти ва шахсияти, фазилатлари, уларнинг ўзлари юборилган қавмларга нималарни етгазгани, қандай қарши олингани, қавмларнинг ўз ҳатти-ҳаракатларига яраша қандай оқибатларга учрагани ишончли манбаларга таянган ҳолда изоҳланган, бўлиш лозим бўлган фойдали маълумотлар тақдим этилган.

ФАЛСАФА

147. **87.7(5У)**

M22

Малик, Т. Дока рўмол қачон қурийдим / Т. Малик. – Toshkent: Hilol-Nashr, 2017. – 392 б. 5000 нусха.

Мазкур китоб орқали эр-хотин бир-бирига нисбатан қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги, тўқис оила барпо этиш учун муҳаббатнинг ўзи камлик қиладими деган саволларга жавоб топиш мумкин.

148. 87

A74

Арасту Аҳлоқи кабир / Арасту; тузувчи. А. Жалолов, тузувчи. Н. Комилов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 384 б. 5000 нусха.

Қадимиятнинг даҳо мутафаккири, устози аввал, Искандар Зулқарнайнга мураббийлик қилган Арасту (Аристотел) асарлари орасида Мағна Моралия" – Аҳлоқи кабр алоҳида ўрин тутди. Арастунинг бу ва бошқа асарларидаги ҳикматлари Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий каби Шарқ алломаларининг ҳам меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган. Аҳлоқи кабир асарида барча замонлар ва барча инсонлар учун сув ва ҳаводай, қуёш нуридай зарур илми ҳикмат дурдоналарини топамиз, бу дурдоналар бизнинг маънавий оламимизни бойитади ва гўзаллаштиради.

149. 87.3

P88

Румий, Ж. Ичиндаги ичиндадур: Фалсафий-маърифий асар / Ж. Румий; тузувчи Н. Комилов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 240 б. 10000 нусха.

"Ичиндаги ичиндадур" Мавлоно Жалолиддин Румийнинг турли мажлисларда билдирган улғу фикрларидан таркиб топган. Сиз ушбу рисолаи ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлиқ инкор ва исбот, ҳаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англайсиз. Ва ҳамма нарса ўзингизда, ҳамма нарса ўзингиздан эканлигига яна бир бор иймон келтирасиз.

150. 87.77

T49

Тилавов, А. Асабийлашмасдан, жазоламасдан, бақирмасдан болаларга гап уқтириш санъати : Оила даврасида ўқиладиган китоб / А. Тилавов; тузувчи. Ш. Сирождидинов. – Тошкент: Sano-standart, 2016. – 752 б. 5000 нусха.

Ушбу китобда ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясида риоя қилиши лозим бўлган хусуслар ҳам илмий-назарий, ҳам ҳаётий тажрибалар, аниқ мисоллар асосида баён этилган. Оила даврасида ўқиладиган ибратли ҳикоят, ривоят ва ҳикматлар, аждодларимизнинг қимматли панд-насихатлари, қизиқарли топишмоқлар, ўқувчи хандалари азиз дилбандингиз билан мароқли суҳбат қуришингиз учун беғараз маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади.

151. 87.3

Ф84

Форобий, А. Н. Фозил одамлар шаҳри / А. Н. Форобий; тузувчи. М. Ҳайруллаев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 320 б. 5000 нусха.

Шарқ ўйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Наср Форобий асарларида оқилона давлат тизими, инсоният жамияти ҳақидаги нодир ва доно фикрларга дуч келамиз. IX-X асрларда яшаб, ижод этган "Арасту фалсафаси", "Фозил одамлар шаҳри", "Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида" асарларидан намуналар киритилган. Китоб файласуфларга, тарихчиларга, адибларга ва шу соҳа билан қизиқувчи ўқувчиларга мўлжалланган.

ПСИХОЛОГИЯ

152. 88.5

K25

Карнеги, Д. Дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш тўғрисида / Д. Карнеги. Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати. Безовталиқдан ҳалос бўлиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 720 б. 10000 нусха.

Ушбу тўплам Дейл Карнегининг "Дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш тўғрисида", "Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати" ва "Безовталиқни тарк этиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари" китобларининг яхлит кўринишидир. Кўплаб китобхонларнинг талаб-истаклари асосида чоп этилган мазкур тухфа кутубхонангиз жавонидан муносиб жой олади, деган умиддамиз.

153. 88.3
K25

Карнеги, Д. Мансаб пиллапояларидан қандай кўтарилиш мумкин / Д. Карнеги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 201 б. 5000 нусха.

Дейл Карнегининг фикр ва тавсиялари кўпгина инсонларнинг ҳақиқатдан хизмат пиллапояларидан кўтарилишларига асос бўлган. Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

154. 88.3
K25

Карнеги, Д. Эрингизга суянч бўлинг / Д. Карнеги. – Тошкент: Davr Press, 2016. – 192 б. 2000 нусха.

Оилавий ҳаётингиз саодатли, тинч ва фаровон бўлишини истасангиз, Дороти Карнегининг ушбу китобини ўқиб чиқинг. Унинг эри кўп одамларга дўст орттириш ва инсонларга таъсир кўрсатишда ёрдам берди, бу аёл эса турмуш ўртоғига машҳур Дейл Карнеги бўлишга қўмаклашди.

155. 88.2
K39

Кехо, Ж. Шуур ҳар нарсага қодир / Ж. Кехо; тарж. А. Садритдинов. – Тошкент: Davr Press, 2017. – 160 б. 1000 нусха.

Роида Берннинг ҳаётнинг энг буюк сирини ва Куч, Жо Виталенинг Бахт сарини тўрт қадам китобларини ўқиб ҳайратланган бўлсангиз, билинг, бу китоб айнан сиз учун. Чунки Жон Кехо бу китобда юкорида келтирилган таниқли муаллифларнинг ғояларини тушунарли тилда ифода қилган.

156. 88.37
H79

Норбеков, М. Тентакнинг тажрибаси 2: Ўзликни англлатувчи йўлнинг калитлари / М. Норбеков; тарж. М. Бону, муҳаррир. М. Омон. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2016. – 400 б. 4000 нусха.

Бу китобда муаллиф китобхонни ҳаракатга келтириш, бу ҳаётга нима учун келганини эслашга мажбурлаш, ўзидаги ижодкорни, орзуларга берилувчи инсонни ва шоиртабиатликни уйғотиш учун нафақат бор кучини, шу билан бирга ўттиз йиллик сабоқ бериш тажрибасини ҳам ишга солади.

157. 88.37
H79

Норбеков, М. Тентакнинг тажрибаси 3: Бахтли ва фаровон яшаш ҳикмати / М. Норбеков; тарж. М. Бону; муҳаррир. М. Омон. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2017. – 368 б. 3000 нусха.

Ўз бахтининг ҳимоячиси ҳам, уни яқсон қилувчиси ҳам инсоннинг ўзи. Агар сизга фарзандларнинг ўтиш ёшидаги қийинчиликларни қандай енгиб ўтиш, фарзандлардан чақир тиканак ўсиб етишмаслиги учун уларнинг боғчасини нималар билан ўғитлаш лозимлигига кизиқсангиз, фаровонликнинг изчил ва доимий гуркираб ривожланишнинг илоҳий қонуниятини билишни истасангиз, Мирзакарим Норбековнинг "Тентакнинг тажрибаси 3" китобидан баҳраманд бўлинг.

158. 88.37
H79

Норбеков, М. Тентакнинг тажрибаси ёхуд кўзойнаксиз ҳаёт сарини : Амалий қўлланма / М. Норбеков; тарж. М. Бону. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2016. – 320 б. 1000 нусха.

Жаҳон миқёсидаги бестселлер номини муносиб равишда қўлга киритган ушбу китоб шунчаки кўриш қобилиятини тиклаш учун қўлланма ёки сурункали ношуд беморга аталган фалсафий рисола эмас, балки ҳаракат шижоат учун даъватдир. Китобда Мустақил Экспертлар Ҳалқаро Ассоциацияси томонидан 1998 йилда муқобиллари орасида энг самаралиси деб тан олинган услуб моҳияти очиб берилган. Нашрнинг қайси жанрга муносиблигини аниқлаш қийин. Сабаби - бунақаси ҳали бўлган эмас.

159. 88.37
O-55

Омадли одамларнинг муваффақият сабоқлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 80 б. 5000 нусха.

Бугун шиддат билан ривожланаётган давр инсонларни нафақат билимли ва тадбиркор, балки руҳан тетик ҳамда этикет қоидалари билимдони бўлишини талаб этади. Ўз устида ишлаш, муваффақият қозониш, омад жиловини қўлдан бермаслик-илғор фикрли, замон билан ҳамнафас инсонларнинг ҳаётий шиори бўлиши лозим. Ушбу қўлланмада ўрин олган дунёга машҳур миллионерларнинг дарслари, омад сари қисқа йўл ўқувчиларга манзур бўлишидан умидвормиз.

160. **88.3**
Ф54

Феъл - атвор ва ёзув / тузувчи. Н. Юсупова, қайта ишлаш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 144 б. 10000 нусха.

Инсон ёзуви бизга нималар ҳақида маълумот беради? Ёзув эгасининг сир-асрорларини қай даражада фош қилади? Инсон феъл-атворини унинг ёзувига қараб аниқласа бўладими? Бу борада қандай таҳлиллар мавжуд? Ўзингизни қизиқтирган саволларга қўлингиздаги ушбу китобни мутолаа қилаётиб батафсилроқ жавоб оласиз. Шунингдек, графология соҳасига оид билимларингиз мустаҳкамланиб боришида, шубҳасиз.

УНИВЕРСАЛ МАЗМУНЛИ АДАБИЁТЛАР

161. **94**
A20

Абдулфараж Ҳикматлар ва ҳикоятлар / Абдулфараж. – Toshkent: O'zbekiston, 2016. – 136 б. 3000 нусха.

"Ҳикматлар ва ҳикоятлар" китоби ўрта асрларда шомда яшаб, ижод этган йирик аллома Абдулфараж (1226-1286) қаламига мансубдир. Мазкур тўпламда турли дин, миллат ва касб вакиллари бўлган оқил кишиларнинг ҳаётидаги ибратли ҳикматлар келтирилган.

162. **94.8**
Ж96

Жўраева, С. Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф: Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар / С. Жўраева; тузувчи. С. Жўраева. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 416 б. 5000 нусха.

Қўлингиздаги китобда жаҳон фалсафасининг XX асргача яшаб ижод қилган мумтоз вакиллари ҳаёти ва кўчма фикрлари имкон даражасида жамланган. Мажмуа нафақат фалсафа ихлосмандлари, балки ўқувчиларнинг кенг оммаси учун ҳам тушунарли, фойдали ва қизиқарли бўлади деб умид қиламиз. Чунки мажмуадаги ибратли ҳаёт йўллари ҳақидаги маълумотлар ва пурмаъно фикрлар ўзини ўзи ислох қилиш истагида бўлган, ҳақиқатнинг ранг-баранг манзараларидан завқ олишга қодир ҳеч бир кимсани бефарқ қолдирмайди.

163. **94(5Хинд)6**
К15

Қадимги ҳинд ҳикматлари . – Тошкент: Sharq, 2016. – 120 б. – (Тафаккур ҳазинасидан) 1000 нусха.

Ушбу китобда жамланган энг қадимий ҳинд эпослари, дostonлари, мақол ва бошқа жанрлардаги асарлардан олинган қайроқи гаплар китобхонларимизнинг дунёқарашини кенгайтиришига, қалб оламини бойитишига, уларга умр моҳияти, сирлари билан ошно этишига имонимиз комил.

